



ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 79 (9825).


1990 йил 24 апрель • сешанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг аъзолари ва партия комитетлари билан маслаҳатлашганда сўнг КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездида тайёрларди комиссияси тизилди. Партиянинг сайлаб қўйилган марказий органларининг бир қанча аъзолари.

КПССдан сайланган СССР халқ депутатлари, иттифод республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг биринчи секретарлари, шунингдек баъзи ўлка, область партия комитетларининг биринчи секретарлари комиссия таркибига кирдилар. Шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг катта гуруҳи, жамиятшунос олимлар комиссия аъзоларидилар.

Комиссия таркибини унинг ишига КПСС XXVIII съезди делегатларини жалб этиш ҳисобида кенгайтириш кўзда тутилмоқда.



Суратда: Олмалиқ конметаллургия комбинатининг автобазасида бўлиб ўтган шайбалиқнинг фаол иштирокчилари А. Кенф, В.

Бичурин ва С. Ковальчуклар. Р. Нуриддинов суратга олган. (ЎзТАГ).

ДАБДАБАСИЗ, ЛЕКИН МАЗМУНЛИ ЎТДИ

Пойтахт вилоятимиз саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, кўндан-кўп муассасалар коллективлари аъзолари бўлган миллионлаб кишилар шайбалиқда фаол иштирок этдилар. Айрим меҳнат коллективлари умумхалқ ҳашари куни ташкил қилинган. Бу гаги шайбалиқ аввалги барча ишчи коржомасидаги байрамлардан ўзгача бўлди. Коллективлар асосан ўзлари учун меҳнат қилдилар. Шу кун ишлаб топилган маблағнинг асосий қисми жамоа ихтиёрида қолдирилди. Айни вақтда анчагина маблағ Оролчи сақлаш, ҳайри-ҳосон, кексаларга ёрдам ва бошқа шу каби жамғармаларга ажратилди.

Жумҳуриятимизнинг энг кенса корхонаси — «Октябрь революцияси» номидаги тепловоз тузатиш заводи коллективи совет кишиларининг бу ажойиб анъанасига содиқ эканликлари яна бир бор намоён бўлди. Эрталаб чалинган гудок овозлари барча созловчиларни меҳнат қўйнига чорлади. Ишчи-хизматчилардан ташқари илгари шу даргоҳда ишлаб кетган ўнлаб пенсионерлар, уларнинг бола-чақалари ҳам қатнашди. Бир кун давомида тепловознинг битта секцияси, кўлаб жуфт тилдираклар, олтинга тортиқлар, ўнлаб минг сўмлик ҳўйиёт қисмлар тайёрланди. Шу кун оддий кунлардагига нисбатан анча кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Экскаватор заводи меҳнат аҳли ҳам умумхалқ ҳашарида фаол қатнашди. Юзлаб ишчилар ўз дастгоҳлари ёнида турдилар, корхона худуди ва атроф-муҳитни тозалаш, ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш билан шуғулланидилар. Шу кун тушган маблағнинг бир қисми коллектив ихтиёрида қолди, иккинчи қисми эса Оролчи қўтариш жамғармасига ажратилди.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати коллективи корхоналарида бўлиб ўтган шайбалиқда 20 минг атрофда киши қатнашди. Уларнинг асосий қўйчилиги ўз ишларини давом эттирдилар. Қолганлар эса ободонлаштириш ишлари билан шуғулланишди. Металлургия тарушган маблағнинг анчагина қисmini хайрлик жамғармаларга ажратдилар. Жўмладан, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга.

Чирчиқдаги барча меҳнат коллективлари ҳам шайбалиқда аввалгиларига нисбатан самарали ишладилар, дейиш мумкин. Чунки тушган маблағнинг ҳаммаси ўз ихтиёрида бўлди. Лекин улар хайрли ишлардан ҳам четда қолмадилар. Масалан трансформатор заводи коллективи шаҳарда байналимлашчи жангчилар ёдролги қурилиши учун бир ярим минг сўм пул ажратдилар. В. И. Ленин номида республика фонднинг республика бўлими ҳисобида ҳам шунча пул жўбордилар. «Электротехпром» ишлаб чиқариш бirlашмаси, «Чирчиқсельмаш», «Ўзбекхимволок» заводлари, қатор қурилиш ва транспорт ташкилотлари коллективлари ҳам шайбалиқда ишлаб топилган маблағнинг анчагина қисmini шундай жамғармаларга ажратдилар.

Бир сўз билан айтганда вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида меҳнат байрами кўнглидагидек ва касбиоридан қатъий назар барча кишиларнинг фаол иштирокида ўтганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бўстонлиқ:

ТАБИЙ ОФАТ ОҚИБАТЛАРИ ТУГАТИЛМОҚДА

ҲАЗАЛКЕНТ. [Телефон орқали олинди]. Ўтган жўмадан шайбалиқда ўтар кечаси Бўстонлиқ ноҳиясининг қатор қишлоқлари аҳолиси таҳликали дақиқаларин бошдан кечирдилар. 20 апрель кеч соат 8 ларда тоғдан сел қайлаётганлиги ҳақида хабар олинди. У Чирчиқнинг чап соҳилдаги қишлоқларга — «Ленинград», «Қизилту», Фрунзе номидаги қишлоқларга айланиб кетди.

Сел оқибатида 260 бошга яқин қорамол, 2 минг бошдан ортиқ қўй ва эчки ноуб бўлди, селкам 900 гектар селбазовот суи остида қолди.

Жумҳурият, вилоят ва ноҳия ташкилотларининг аниқ ҳаракатлари табиий офат зарарини сезиларли даражада камайтириш имконини берди. Шайбалиқдаги қишлоқларга кўриқчилари бузиб юборди.

Дастлабки маълумотларга кўра ноҳияда 500 та уй-жой шикастланган, шундан 350 таси айланиб жўмла зарарланган. Шунингдек, 5 та мактаб, 3 та болалар босчаси, фельдшерлик-кушерилик пунктлари, молхона ва қўйхоналарга ҳам катта талафотлар етказилди.

Кеча-қундузи ўн иккиларда биз Ҳазалкент билан боғлиқлигимиз муваффақ бўлди. Бўстонлиқ ноҳия партия комитетининг биринчи котиби А. Йўлчиев бошчилигида штаб ишлаганини маълум бўлди. Унинг Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. Х. Жўрабеков раҳбарлигидаги ҳукумат комиссияси билан биргаликдаги мажлиси ўтказилди. Бу мажлисда табиий офат оқибатларини тугатишга доир биринчи галдаги вазифаларни амалга ошириш масалалари ҳал этилди.

Сел туғайли қишлоқлардан қўриқчиларнинг дам олиш уйлари, пионер лагерлари, қариндош-уруғлариникига жойлаштирилди. Ноҳия умумий оқибатини корхонаси ходимлари табиий офат катта зарар келтирган «Ленинград» қишлоқининг Қўшқўрғон, «Қизилту», Фрунзе номида қишлоқларнинг қишлоқлари аҳолиси

Шунингдек, ноҳия партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг пленуми ҳам бўлди, пленум бюро сайлади, С. Ю. Шарофхоновни комиссия раиси этиб сайлади.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитети ташкилий-партиявий ва кадрлар иши бўлимининг мудири Р. Қ. Турсунов, миллатлараро муносабатлар бўлимининг мудири С. И. Саидов қатнашдилар.

Шунингдек, ноҳия партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг пленуми ҳам бўлди, пленум бюро сайлади, С. Ю. Шарофхоновни комиссия раиси этиб сайлади.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитети ташкилий-партиявий ва кадрлар иши бўлимининг мудири Р. Қ. Турсунов, миллатлараро муносабатлар бўлимининг мудири С. И. Саидов қатнашдилар.

Шунингдек, ноҳия партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг пленуми ҳам бўлди, пленум бюро сайлади, С. Ю. Шарофхоновни комиссия раиси этиб сайлади.

Шунингдек, ноҳия партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг пленуми ҳам бўлди, пленум бюро сайлади, С. Ю. Шарофхоновни комиссия раиси этиб сайлади.



ЁРДАМГА КЕЛИШДИ

Ўзбекистон ССР Қизил Ярим Ой жамиятининг аъзолари Тошкент область Бўстонлиқ районидаги айрим қишлоқчилар бошига тушган қулфатни эшитиб жўда ачичдилар. Жамият жабрдийдаларга дастлабки ёрдам сифатида ҳар бир жабрланган оиллага бир йўла 200 сўм тулаш ҳисобидан 40 минг сўм пул ажратди.

Бундан ташқари табиий офат юз берган зонага қўрпа-тушак, чойшай ва бошқа зарур буюмлар жўнатилди. Шошилмиш ёрдам бериш ва табиий офат оқибатларини тугатиш учун Ўзбекистон ССР Қизил Ярим Ой жамиятининг санитария дружиналари ва раҳм-шафқат жамиятининг ходимлари сафарбар этилди.

Бундан ташқари табиий офат юз берган зонага қўрпа-тушак, чойшай ва бошқа зарур буюмлар жўнатилди. Шошилмиш ёрдам бериш ва табиий офат оқибатларини тугатиш учун Ўзбекистон ССР Қизил Ярим Ой жамиятининг санитария дружиналари ва раҳм-шафқат жамиятининг ходимлари сафарбар этилди.

Бундан ташқари табиий офат юз берган зонага қўрпа-тушак, чойшай ва бошқа зарур буюмлар жўнатилди. Шошилмиш ёрдам бериш ва табиий офат оқибатларини тугатиш учун Ўзбекистон ССР Қизил Ярим Ой жамиятининг санитария дружиналари ва раҳм-шафқат жамиятининг ходимлари сафарбар этилди.

ПАРТИЯНИНГ ОЛТИН ФОНДИ

21 апрель куни Тошкентда болшевиклар, партияси 1920-24 йилларда кирган ветеранларнинг учрашуви бўлди. Учрашувни Уруш ва меҳнат ветеранлари Ўзбекистон жумҳурият кенгаши раиси Р. Ғ. Ғуломов очди.

Учрашувда Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов нутқ сўзлади. У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг жумҳурият барча меҳнатчилари номидан Ленин чакригига лаббай деб жавоб берган коммунистларини интилоб доҳийси таваллудининг 120 йиллиги билан,

яқинлашиб келаётган Биринчи май ва Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 45 йиллиги байрамлари билан самимий табриқлади. И. А. Каримов ветеранларга уларнинг ҳарбий масаратлари, халқ фаровонлиги йўлидаги шавкатли меҳнатлари учун миннатдорчилик билдирди. Ветеранлар — бизнинг олтин фондими, деб таъкидлади. И. А. Каримов, Партия уларга таянади, улар билан маслаҳатлашади. Ветеранлар қайта қуришда, фаол қатнашади, жамиятнинг илгаридаги барча соғлом кучларини жипслаштиришга, ёшларни Ватанга садоқат, юксак байналмилалчилик руҳида тарбиялашга салмоқли ҳисса қўишлари керак.

ХХР ДАВЛАТ КЕНГАШИ РАИСИНИНГ ТАШРИФИ

Совет ҳукуматининг тақлифига мувофиқ ХХР Марказий Комитети Сиёсий бюроси доимий комитетининг аъзоси, ХХР Давлат Кенгашининг Раиси Ли Пэн 23 апрель куни расмий ташриф билан Москвага келди.

Н. И. Рижков, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

ЛИТВА МАСАЛАСИ ЧЕТ ЭЛ МАТБУОТИДА

АҚШ расмий ахбороти бу масала ҳақида ошқор таъбирлардан ҳам, — деб ёзади «Нью-Йорк таймс» газетаси, — улар Литвининг хозирги пайтдаги ҳатти-ҳаракатларини аҳолида ҳам бўлиб қолган эришнинг бирон-бир тактик режасига эга бўлмай туриб, мушаккиллик эълон қилиш мумкинлиги Буш маъмурияти ботинон Горбачев томонидан бўлса ҳам Литва телебларига зокиран тарафдорлик билдирмаётган. Газетанинг таъкидлашича, Горбачев ташаббус билан ўтказилган ислохотлар, қурол-ароғларни қисқартиришга таваллуки музокарапар Америка

ва Совет Иттифоқи миллион-миллион халқларининг ҳаётини ахшлайди. «Ньюсдей» газетаси ўз навбатида шундай деб ёзди: агар Литвининг асл мақсади ажраш бўлса, улар бу ишни Горбачев томонидан ўрнатилган қондалар асосида амалга оширсалар ахшироқ бўлар эди.

«Солидарность» РАҲБАРИ САЙЛАНДИ

ПОЛЬШАНИНГ Гданьск шаҳрида бўлиб ўтган «Солидарность» кассабо уюшмаси умумполаша съездида Л. Валенса қайтадан унинг раҳбари этиб тайинланди. Унинг учун делегатларнинг кўпчилиги овози берилди.

СУД ОЛДИДА — ТҮРТ КИШИ

ҚУВАЙТ фуқароларидан тўрт киши суд олдида жавоб берадилар. Улар ҳукуматга қарши фитна уюштиришда ҳамда қонунсиз равишда портловчи моддалар сақлашда айбланмоқдалар. Бу ҳақда Қувейт ахборот агентлиги хабар берди.

Тўртқиланган ташкилот раҳбарлари бўлган маъмур тўрт киши юқоридикидан ташқари Қувейт авиакоманиси самолётларига ҳужум уюштиришда ва ҳукумат одамларини ўлдиришда айбланмоқдалар.

НИГЕРИЯДА ДАВЛАТ ТҮНТАРИШИ

НИГЕРИЯ радиоси мамлакатда давлат тўнтарини амалга оширилганини эълон қилди. Президент Ибрагим Бабагидида ўз лавозинидан олиб ташланди. Тўнтарини натижасида генерал Бабагидининг яқиндошлари бошқарувига хотима берилди, деди ўз баёнотида радио орқали сўзлаган майор Гни Огаса Ока. У агардир ташланган маъмуриятни «яқиндошчиликда, ич-ичидан бузилишда, ватанларвар эмаслигида ҳамда қора дори мафияси билан алоқада» айблади.

НИГЕРИЯ радиоси мамлакатда давлат тўнтарини амалга оширилганини эълон қилди. Президент Ибрагим Бабагидида ўз лавозинидан олиб ташланди. Тўнтарини натижасида генерал Бабагидининг яқиндошлари бошқарувига хотима берилди, деди ўз баёнотида радио орқали сўзлаган майор Гни Огаса Ока. У агардир ташланган маъмуриятни «яқиндошчиликда, ич-ичидан бузилишда, ватанларвар эмаслигида ҳамда қора дори мафияси билан алоқада» айблади.

ЧЕГАРАДАГИ ЖАНГЛАР

ЧАД ПОЯТХИ Нжаменада эълон қилинишича, ҳукумат қуроли қучлари Судан томонидан бостириб кирган ҳукуматга қарши гуруҳларнинг ҳужумини қайтарганлар. Икки орада бўлиб ўтган тўқнашуларда 103 нафар исёничи ўлдирилган. Шунинг айтиш кераки,

бундай ҳужум сўнгги ой ичиде учинчи бор такрорланмоқда. Чад томони ўз қўишларидаги йўқотишларни айтгани йўқ. Лекин Судан худуди яқиндаги жангларда жами бўлиб 1350 нафар исёничининг ҳалок бўлганлиги қайд этилди.

БАЙРУТДАГИ ТҮҚНАШУВЛАР

ШИА маъзабига мансуб «Амал» гуруҳи билан эронлараст «Хизбуллоҳ» ташкилоти ҳарбийлари ўртасида қайтадан қуроли тўқнашув юз берди. Унинг натижасида олти киши ҳалок бўлди, ўн киши жароҳат олди.

БАЙРУТДАГИ ТҮҚНАШУВЛАР

ПОЛИЦИЯ БОШЛИГИ ҲИБСА ОЛИНДИ

БЕЛГИЯДА полиция юқори мартабали ходимларининг жиноятчи доиралар билан алоқаларига тегшли жанжал тобора авж олмақда. Брюссель прокуратурасининг кўрсатмасига асосан пойтахт криминал полициясининг бошлиги комиссар Франс Рейнерс ҳибса олинди.

БЕЛГИЯДА полиция юқори мартабали ходимларининг жиноятчи доиралар билан алоқаларига тегшли жанжал тобора авж олмақда. Брюссель прокуратурасининг кўрсатмасига асосан пойтахт криминал полициясининг бошлиги комиссар Франс Рейнерс ҳибса олинди.

А. НОСИРОВА, табиий офат оқибатлари, Ф. ҚУРБОНОВ суратлари. (ЎзТАГ).



ҚАҲРАМОНГА ЁДГОРЛИК ЎРНАТИЛДИ

...Эркин ака ўғли билан олган мактабга кириб келиш билан юраги аллақандай соғинч ҳисси билан ўртаниб кетди. Ҳа, мана шу мактабнинг ёруғ синфхоналарида, кенг йўлакларда, барча бурчакларида суякли фарзанднинг нигоҳи бор.

Тошкентдаги Собир Раҳимов ноҳиясига қарашли Фурқат номи 198-ўрта мактабда куни кеча Афғонистонда ўз байналмилал бурчани ўтаб ҳалок бўлган ватан ўғли Абдумавлон Эргашевнинг хотираларини ёдга олиш мақсади билан ўтди.

Еш пионер ўғил-қизлар

қаҳрамоннинг ота-онаси Эркин ака Эргашев ва Муҳаммад Мўминоваларнинг, унинг синфдош дўстлари Ш. Ғофуров, И. Садриддинов, А. Абдуғафуров, Р. Акбаров, Н. Асатуллаевларнинг гуллар билан кутиб олиши.

Шу куни мактаб пионерлар хонасига байналмилал жангчи хотирасини эслатиб турувчи ёдгорлик лавҳа ўрнатилди. Учрашувда қаҳрамоннинг сафдоши, Афғонистонга кетганидан аввал Ашхобд виллоятида бирга хизматни ўтаган, Тошкент политехника институтининг толиби Омонullo Абдуллаев дўст

ти ҳақидаги хотиралардан сўзлаб берди.

Бу тадбирнинг муносиб ишчиликка бош-қош бўлган мактаб бош пионервожатыи Зуҳурон Ваҳобова, ноҳия комсомол қўмитасининг котиби Ғайрат Ёқубов ва бошқалар Абдумавлон Эргашев номини абадийлаштириш, уни хотирлаб туриш, марҳумлар олдидagi исоний бурчиди ақаллигини яна бир бор таъкидлаб ўтди. Шу куни барча йиғилганлар биргаликда қаҳрамоннинг қабрини зиёрат этишди.

М. МИРАЛИЕВ,

● Суратларда: А. Эргашевнинг хотиралар кечасидан лавҳалар. Д. АХМЕДОВ суратга олган.

ЎЛИМ САБАБЧИСИ — ҚЎЗИҚОРИН

ҲАР ИНЛИ газеталар ана шу мавзуда ёзишди. Радиодан эшитиришлар уюштирилди. Телевидение эса фактлар асосида қўрсатувлар тайёрлайди. Лекин негизди, одамлар бунга бепарволик билан қарашмоқда. Қўзиқориндан заҳарланиб ҳаётдан эрта кетишдек ҳушқў ҳолатлар ҳамон учраб турибди. Яқинда «зангори экран» орқали Қашқадарь областининг Деҳқонбод районидаги «Деҳқонбод» совхозидан бўлган кўнгилсиз воқеани кўпчилик эшитди. Бир оила қўзиқориндан заҳарланди. 10 ёшли Майсара Туропованинг эса умри ҳазон бўлди. Уни шифокорлар ажал чапаланди.

Ҳаёт этиб қолаётганлар, Сабаби заҳарланиш даражаси ўта юқори эди. Оила аъзоларидан қолганлари Нурали, Фарход ва бошқалар Тошкентдан 1-клиник касалхонанинг токсикология бўлимида даволанмоқдалар.

Бу бўлим нажоткорларнинг жонқурилиги туфайли пойтахтнинг Киров ноҳиясида истиқомат қилувчи Светлана исмли аёл умри сақлаб қолди. У ҳам ҳақиқий қўзиқориннинг танайми, бошқасини истемол қилган эди.

Худди шу ҳолат Ленин районидagi 17 ёшли Смирнованинг ҳам бошига тушди. Аммо у ҳали касалхонада.

Очилини айтиш керак. Бу йил виллоятимизда бундай ҳуш ҳолатига дуч келмаган бўлсак-да, аммо биз врач

• Янги шеърлар

СИЗ ҚАЙСИ ОСМОН КОМИДАН

САИЕРАМИЗ ОСМОНИДА «УЧАР ЛИКОПЧА»ЛАРДА КЕЗИБ ЮРГАН
ОНГЛИ МАВЖУДОТЛАРГА МУРОЖААТ

Тингланг, эй, сайёҳлар, она-Ер сасин:
Хуш келибсиз, қўҳна сайёрамизга!
Ким айтар: сароми, рўминсиз, жин,
Бекимнаҳқ ўйин не керак сизга?

Бизлар ҳам сиз каби онгли мавжудот,
Сирли садоларга қулоқ тутамиз.
Олис юлдузларга кўз тикиб бот-бот,
Бу ёруғ дунёдан умид кутамиз.

Азиз василингизга интиқимиз, аммо
Фанимиз равонин суз эрур ҳамон.
Бир жумбоқ очилса, минг бир муаммо
Туғили қаддини этмоқда қамон.

Дўппи тор келганда қўл ҳам силтадим,
«Аввал ҳеш, сўнг дарвеш», деган тап
мисол.
Хўш, сизлар не учун қилгайсиз ҳақид,
Қайси тақдирга қўрбондир висол?

Наҳотки, шунчалар қўрқоқ жисмингиз,
Сиз билан учрашмоқ этмасин насиб?
«Элчига ўлиги йўқ» дерлар, билсангиз,
Келгансиз неча минг нур йилни босиб.

Турли тилин пухта билар эмисиз,
Нечун мулоқотга келмайсиз бу он?
Агар Ленин майдонига қўнсангиз,
Сизни қучоқ очиб қилардик меҳмон.

Балки бир ажодимиз азал-абаддан,
Балки сизга қондош Момою Ҳаво?
Ҳеч қачон қўчмангиз бу мулоқотдан
Ташрифингиз учун жонимиз фидо!

Жами ерликларингиз азиз номидан
Мурожаат этмоқда сизга бир шоир:
Азизлар, сиз қайси осмон комидан?
Заминга келинглр, қолайлик қойин!

Турсун МУҲАММАД.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

Булар сиздан миннатдор

Уша куни дардимга даво излаб поликлиникага зўр-базўр етиб олдим. Анчадан бери бош оғриги қаттиқ ҳуруж қиларди. Ўтиб кетар деб турли дорилар истемол қилиб турдим. Лекин ҳеч қандай нафъ бўлмади.

Мени терапевт врач Мунира Даджонова ва невропатолог Дилором Тоирова қабул қилиб, синчилаб текшириб кўрдилар ва турли муолажалар, дори-дармонлар тайинладилар. Мана тез кунда хасталикдан хосис бўлиб, дардимга шифо топдим. Пойтахтимизнинг Октябрь ноҳиясидаги 35-поликлиникада ўнлаб бундай малакали шифокорларни учратишимиз мумкин. Улар ҳалқимиз дардига малаҳам бўлиб, ўз вақтида кўлларида келган барча ёрдамларини аямаянтилар.

Ширинсўз, меҳрибон нажоткорлар Мунира Даджонова ва Дилором Тоировага ўз миннатдорчилигини билдириб, раҳмат деймиз. Доимо соғ бўлинглар.

Ҳ. ТУЛАГАНОВА,
ветеран-педагог.

• ДЕМОКРАТИЯ МАКТАБИ

МОСКВАДА ИККИНЧИ МУСУЛМОН ЖАМОАСИ

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги диний ишлар Кенгаши Москва муслмонларининг иккинчи муслмон жамоасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги айтишсини қондирди. Ҳозирги вақтда уларга яна бир маҳитни бериш тўғрисидаги масала ҳал қилинмоқда.

— Кейинги пайтда жамиятда динга, ҳусусан, исломга қизиқиш анча ўсди, деб ҳисоб қилади янги жамоа раиси Анвар Хамидуллин. — Бу биринчи навбатда ҳозирча Москвада ягона жоме маҳитига келувчилар сони кўпайганига ўз ақсини топи. Фақат пойтахт ва унинг атрофларида ҳозир 250 мингдан ортиқ татар, озарбайжон, ўзбек, бошқа шарқ миллатлари вакиллари бор, уларнинг кўллари ислом динига ситгинади. Шаҳарда доимо Ўрта Осиё ва Кавказнинг жумҳуриятларидан келган минглаб кишилар бўлади. Бундан ташқари, пойтахтда ҳозирги вақтда ислом давлатларининг кўп сонли вакиллари ишлашмоқда ва таълим олишмоқда, бу ерга турли хил араб ва муслмон делегациялари мунтазам келиб туради. Табиийки, шаҳарда ишлаётган ягона маҳит ҳоҳловчиларнинг ҳаммасини, айниқса, муслмон байрамлари кунлари қабул қила олмайдилар. Москвадаги ҳамма чекалар ва унинг атрофларидан келган одамлар яқин атроф кўча ва торқучаларни тўлдириб, кўпчида очинда туришларига тўғри келмоқда.

Вужудда келган вазиятдан чиқиш йўлини топиш учун Москва муслмонлари иккинчи жамоани рўйхатдан ўтказиш ва Москванинг марказий районларидан бирида жойлашган яна бир маҳитни бериш илтимоси билан маъмуриятга мурожаат қилдилар. Бу районда азалдан кўп муслмон-татарлар истиқомат қилишади. Бу маҳит ўтган асрда 1812 йилда Батан урушидаги ғалаба шарафидан

га қурилган эди. Татар ва бошқард полкларни французлар босқинчилигини бартараф этишда фаол қатнашиб, бу билан Россиянинг миннатдорчилигига сазовор бўлган эдилар. Ҳозир бу маҳит меъморилик ёдгорлиги ҳисобланади, давлат томонидан муҳофиза қилинмоқда. Кейинги вақтда маъмуриятнинг динга ишонувчиларга нисбатан ўзгарган муносабати, шунингдек, Таъиннинг марҳамати иккинчи маҳитни муслмонларга бериш масаласи иккинчи ҳал бўлишига умид туғдиради. Маҳитда кичкина мадраса, араб тили кўрсалари, босмахона очиб мўлажалланмоқда.

Бизнинг жамоамиз, деб таъкидлади унинг раиси, фақат диний фаолият билангина чекланиб қолмайди, давлатда юз бераётган қийин жараёнлардан, қайта қуриш муаммоларидан четда турмайди. Қайта қуриш босқинчилик эркини нафас олишга имкон берибди. Шу муносабат билан муслмонлар виждон эркинлиги тўғрисидаги қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилишини сабр-сизлик билан кутмоқдалар, бу қонун давлат билан диннинг ўзаро муносабатларини аниқ белгилаб бериши, диндорларнинг ҳуқуқларини кенгайтириши лозим. Ана шу қонун лойиҳасини муҳокама қилишда жамоа жуда фаол қатнашиш ниятида.

Иккинчи томондан, мамлакатда миллатлараро низолаб кескин қўчалди, бу низолаб СССРнинг турли музофотларида кўпалаб муслмонларга алоқадор бўлди. Бизнинг муваддас динимиз эркинлиги, миллати ва диний эътиқодидан қатъий назар иснонин тақдирлашни қоралайди. Москва муслмонлари ақсарий кўчилиги ана шу нуқтага назарга риоя қилдилар, деди пировадиди жамоа раиси.

Дмитрий ПЕТРИН.
(АПН).

БАЪЗАН ЭЛЕКТР ҲАМ ФОЙДА КЕЛТИРАДИ

НЕМИС тарихчиси Момм-зеи ўз уйига электр ўтказишларига рўхсат бермасди. Бир куни уйига келса, электр чирогини ёниб турганини, ў бундан жуда ҳам норози бўлиб, хотинига электр чирогини ёқмаслигини буюрибди. — Яхши, — дебди хотини. — Бироқ сен ҳаммаша шамчирогининг ёниб учун қийналиб гугурт ахтардинг. Энди бўлса электр чирогини ёқсанг, кейин гугуртнинг тез топишини кўрисанг. — Бундан дара-я, — ҳушёр тортиб тарихчи. — Мен энди тушунибди, баъзан электр ҳам фойда келтираркан. Тўловчи: М. ОҲАХОНОВ.

ШАХСИ

АНИКЛАНМОҚДА

Виллоят иқроия комитетини икки ишлар босқинчиси 1990 йил 5 март кунин Чирчиқ дарёсидан 8 км 12—15 лардаги, бўйи 144 сантиметр бўлган ёниб кетган ҳолда топишган ўсимир насадининг шахсини аниқламоқда.

Ўсимирнинг эгинида оч қулранг кўртка, енгини оқ қўллик кўк рангли спортчилар шимини, хошимасида қизил учбурчак шаклида бор кўк спортчилар ностюки, «Молнак» жигарранг эгинча кийган.

Бирор маълумотга эга бўлган кишиларнинг милиция органига ёни 62-72-51, 33-33-04 номерли телефонга қўнғироқ қилишларини сўраймиз.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

(«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ АДРЕС:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КҮ-
ЧАСИ, 32.



Мухаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916; 325748; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; БҒУЛИМЛАР: идеология — 325778; агросаноат — 325647; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий советлар ҳаёти — 325733; социал масалалар — 325556; маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик — 325645; хатлар ва аммалий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи совет қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.

